

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/29.10.2021.T.101.03 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ФАЙЗИЕВ СИРОЖИДДИН ҲАЁТ ЎҒЛИ**

**ПАХТА ХОМАШӢСИНИ ҚУРИТИШ БАРАБАНИГА УЗАТИШ**  
**ТИЗИМИНИ РЕСУРСТЕЖАМҚОР ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ**  
**ЧИҚИШ**

**05.06.02.-Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашӢга дастлабки ишлов**  
**бериш.**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Файзиев Сирожиддин Хаёт ўғли**

Пахта хомашёсини қуритиш барабанига узатиш тизимини  
ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

**Файзиев Сирожиддин Хаёт угли**

Разработка ресурсосберегающей технологии системы подачи хлопка-  
сырца для сушильного барабана..... 21

**Fayziev Sirojiddin**

Improvement of resource-saving technology of raw cotton feeding system  
for drying drum..... 37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 41

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/29.10.2021.Т.101.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ФАЙЗИЕВ СИРОЖИДДИН ҲАЁТ ЎҒЛИ**

**ПАХТА ХОМАШЁСИНИ ҚУРИТИШ БАРАБАНИГА УЗАТИШ**  
**ТИЗИМИНИ РЕСУРСТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ**  
**ЧИҚИШ**

**05.06.02.-Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов**  
**бериш.**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФРАТИ**

**Бухоро – 2021**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Т1182 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Институт веб-сайтида ([www.bmti\\_info@edu.uz](mailto:bmti_info@edu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Рахмонов Хайриддин Қодирович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Жуманиязов Қадам Жуманиязович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Рахмонов Иномжон Мухторович**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Бухоро муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/29.10.2021.Т.101.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» декабр соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200100, Бухоро, Қ.Муртазоев кўчаси, 15-уй.Тел.: (+99865)223-78-84, факс: (+99865) 223-78-84, e-mail: [bmti\\_info@edu.uz](mailto:bmti_info@edu.uz), Бухоро муҳандислик-технология институти 1-биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Бухоро муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 345 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200100, Бухоро, Қ.Муртазоев кўчаси, 15-уй. Тел: (+99865) 223-78-84, факс: (+99865) 223-78-84, e-mail: [bmti\\_info@edu.uz](mailto:bmti_info@edu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «15» декабр куни тарқатилди.  
(2021 йил «15» декабрдаги № 1 рақамли реестр баённомаси).



**Н.Р.Баракаев**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., профессор

**Р.Х.Нурбоев**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
котиби, т.ф.н., доцент

**М.З.Шарипов**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, ф-м.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафадоктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон амалиётида, пахтани дастлабки ишлаш жараёнида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир этувчи пахта хомашёсини қуритишнинг янги техника ва технологияларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё статистикаси ва «Пахта бўйича халқаро консултатив қўмита (ICAC)нинг маълумотларига кўра, жаҳон бозорида пахта экиладиган майдонларнинг 2% га қисқартирилиши натижасида ундан тайёрланган маҳсулотга бўлган талаб 33,4 млн. тоннагача ортиб бормоқда»<sup>1</sup>. Пахта саноати ривожланган давлатларда, жумладан АҚШ, Хитой, Бразилия, Австралия ва Хиндистонда юқори самарали пахтага дастлабки ишлов бериш машиналарини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Пахта тозалаш саноати корхоналарини барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш даражасини ошириш, юқори самарадорликка эга бўлган технологик машиналарни ишлаб чиқариш, уларни такомиллаштириш ҳамда ресурстежамкор технологияларни яратиш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Дунё микёсида пахта ва унинг компонентларини иссиқлик-физик кўрсаткичларини ўзгариш қонуниятлари ҳисобга олган ҳолда пахта толаси ва чигитининг стационар бўлмаган иссиқлик ва масса алмашув жараёнларида қуриш тезлиги текислигини таъминлаш, рақобатбардош сифат кўрсаткичларига эга бўлган тола ишлаб чиқаришни таъминловчи, пахтани қуритишни янги техника ва технологияларини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Айниқса, пахта хом ашёсини дастлабки тозалаш ва жинлаш босқичидан олдин-қуриш жараёнини самарали таъминлайдиган пахта хомашёсининг табиий хусусияларини сақлаб қоладиган иш сифати юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор техника воситалари ва қурилмаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Республикамизда пахта маҳсулотларининг истеъмол хусусиятларини яхшилаш, хомашёни бирламчи қайта ишлаш бўйича юқори унумли техника ва технологияларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян кўрсаткичларга эришилмоқда. 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия сарфи ва ресурсларини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежовчи технологияларни кенг жорий этиш» масалалари қўйилган ва муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда,

<sup>1</sup> Cotton: World Statistics. <http://www.icac.org>; <http://www.statica.com>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони

жумладан, пахтани тозалаш ва жинлашдан олдин уни самарали куритишни амалга оширадиган такомиллаштирилган техник курилмаларни яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»<sup>2</sup>ги қарори ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида пахта хомашёсини етиштириш ва қайта ишлаш кооперациялари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур илмий-тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Пахта хомашёсини куритиш жараёнида фойдаланиб келинаётган куритиш барабанининг таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича хорижда Г.И.Мирошниченко, Б.И.Роганов, Г.И.Болдинский, Р.В.Корабельников, Ю.С.Сосновский, Г.В.Банников, Н.М.Михайлов, А.И.Улдяков, Г.Л.Гамбург, А.В.Корсукова, П.Н.Бородин, Т.Д.Калдыбаев ва бошқалар шуғулланишган. Пахтани куритиш ва ифлос аралашмалардан тозалаш техника ва технологияси, асосий ишчи қисмларининг кўрсаткичлари ва ишлаш режимларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар R.V.Baker, R.M.Sutton, S.E.Hughs, J.W.Laird, P.A.Boving, V.M. Norman ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Республикада пахтани куритиш барабанининг таъминлаш тизими конструкциясини такомиллаштириш ва машиналарнинг параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар С.Д.Болтабаев, Г.Д.Джаббаров, Р.З.Бурнашев, И.К.Хафизов, А.Парпиев, А.Маматов, А.Расулов, А.Е.Лугачев, А.Джураев, М.Гаппарова, А.Усмонқулов, Х.К.Рахмонов, Р.М.Муродов, Х.Т.Ахмедходжаев, М.Т.Ҳожиев, С.Саидов, М.Р.Рахманов, М.Содиқов, М.Ахматов ва бошқалар томонидан бажарилган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида куритиш барабанининг таъминлаш курилмасини чуқур илмий таҳлиллар асосида ўрганилмаган ва мавжуд конструкциядан фақатгина таъминлагич сифатида фойдаланиб келинган, ундан самарали фойдаланишнинг илмий асосини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Бухоро муҳандислик-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Фан ва технологияларни

мувофиқлаштириш агентлигининг дастурларига киритилган мавзулар билан бевосита боғлиқ, жумладан, ОТ-А3-13 «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритишда энергия ва ресурс тежамкорликка асосланган конвектив қуритгич қурилмасининг янги конструкциясини яратиш, технологияларини ишлаб чиқиш (2017-2018 йй)» лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Қуритиш барабани учун пахта хомашёсини иссиқ ҳаво билан дастлаб аралаштириш имкониятини берувчи янги конструкциядаги винтли аралаштиргич-таъминлагич конструкциясини ишлаб чиқиш ҳамда унинг параметрлари ва иш режимларини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

пахтани қуритиш технологиялари ва техника воситаларига оид илмий ва техникавий маълумотлар ҳамда шу йўналишда илгари бажарилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлилий тадқиқ этиш;

пахта хомашёсини тозалаш ва жинлаш жараёнида ҳарорат, намлик ва зичликнинг таъсирини назарий ва экспериментал таҳлил қилиш;

винтли аралаштиргич-таъминлагичнинг муқобил конструкциясини ишлаб чиқиш ва янги конструкциядаги винтли аралаштиргич-таъминлагич ускунаси муқобил схемаси бўйича назарий ва экспериментал тадқиқотлар ўтказиш ва ишчи органларининг оптимал параметрларини аниқлаш;

янги конструкциядаги винтли аралаштиргич-таъминлагич қурилмаси ва мавжуд вариантдаги таъминлаш қурилмасини ишлаб чиқариш шароитида қиёсий синовларини ўтказиш;

иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш орқали уни пахта саноатида қўллаш мумкинлиги асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида пахта хомашёси, қуритиш барабанининг таъминлаш қурилмаси, қуритиш жараёни, тозалаш ва тола ажратиш жараёнлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** винтли аралаштиргич-таъминлагичнинг ишчи органлари параметрлари ва унинг ишлаш режимлари, математик моделлар, қурилманинг параметрлари, иш режимлари ва кўрсаткичлари ҳамда уларнинг ўзгариш қонуниятлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Пахта хомашёсини қуритишга тайёрлаш жараёнининг назарий, ҳисобий ва экспериментал тадқиқотлари ишлаб чиқаришда лаборатория шароитида тематик режалаштириш ва олинган натижаларни таҳлил қилиш орқали ўтказилган. Шунингдек, тадқиқот жараёнида олий математика, назарий механика, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, баҳолаш ва мақсадли электрон дастурлар MathCad, Matlab(ML), AutoCad ёрдамида интерпретацияси 0,95 аниқликда оптималлаштириш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

пахта хомашёсини қуритиш самарадорлигини ошириш мақсадида иссиқ ҳаво ва пахта аралашмасини ҳосил қилувчи винтли аралаштиргич-таъминлагичнинг янги конструкцияси яратилди;

айланувчи винт парраги сирти бўйича пахта бўлаклари ҳаракатланишини таъминлаш ҳамда унинг титилишини янада

жадаллаштириш имкониятини яратувчи винт бурчак тезлигининг оптимал қийматлари назарий ва тажрибавий усулларда аниқланди;

хар хил ҳароратларда пахта хомашёсидан намликни ажралиш миқдорини биринчи марта иссиқ ҳаво тезлиги ва зичликка эмпирик боғлиқлик қонуниятлари олинди;

винтли таъминлагичдаги винт сирти юзасида пахта хомашёси бўлакларининг ҳаракатланиш қонуниятлари асосида таъминлагич винтининг конструктив ва технологик параметрлари назарий жиҳатдан аниқланди;

толадаги намликни миқдорий тақсимланишини тозалаш ва жинлаш самарадорлигига таъсири тажрибаларда ўрганилди ва биринчи мартаба қуришиш агентининг хар хил ҳароратларида ва тезликларида ташқи ва ички диффузия жараёнининг чегаравий қийматлари аниқланди.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

мавжуд қуришиш барабанининг таъминлаш қурилмаси учун янги юқори иш унумли, энергия тежамкор винтли аралаштиргич-таъминлагичнинг конструкцияси ишлаб чиқаришга тавсия этилди;

математик моделлаштириш усулларида фойдаланиб, пахта хомашёсини 110<sup>0</sup>С дан юқори ҳароратда қуришиш тола узунлигини қисқаришига ва чиқиндилар ҳамда калта толалар миқдори кўпайишига олиб келиши аниқланди;

титиш ва аралаштиргич ишчи аъзосига эга бўлган таъминлагич ўрнатилган қуришиш барабанида қуришилган пахтахомашёси тозаланганда тозалаш самарадорлиги 16,0 % ошганлиги, олинган тола таркибидаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар миқдори 10,4 % камайиши аниқланди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган хулосалар ва тавсиялар, тажриба синовларини лаборатория ва пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқариш шароитида ўтказилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро мослиги, уларни маълум баҳолаш меъзонлари бўйича адекватлиги, апробация ва жорий қилиш, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларни кўриб чиқиладиган фан соҳасидаги маълумотларни қиёсий таҳлили билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти такомиллаштирилган, янги юқори иш унумли энергия тежамкор винтли аралаштиргич-таъминлагич конструкцияси яратилганлиги ва унинг асосий технологик ва ишчи параметрларини ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Пахта бўлакчаларини винтли спиралда ҳаракатланиш қонуниятлари, иссиқ ҳаво майдони таъсирида узатиш ва иссиқ ҳаво билан аралаштириш жараёни, иссиқ ҳаво оқимининг хар хил тезликларида иссиқлик миқдорининг ажралиб чиқиши ҳамда пахта хомашёси зичлигига боғлиқлик қонуниятлари назарий асосланганлиги билан изоҳланади.



### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Қуритиш барабани учун пахта хомашёсини иссиқ ҳаво билан дастлаб аралаштириш имкониятини берувчи винтли аралаштиргич-таъминлагич конструкциясинининг параметрлари ва иш режимларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида;

қуритиш барабанининг узатиш тизимини ресурстежамкор технологияси Бухоро вилоятидаги «Когон пахта тозалаш» АЖ да ишлаб чиқаришга жорий этилган («Бухоро Агрокластер» МЧЖ нинг 2021 йил 17 июлдаги 03-989-сонли маълумотномаси). Натижада титиш ва аралаштиргич ишчи аъзосига эга бўлган таъминлагич ўрнатилган қуритиш барабанида қуритилган пахта хомашёси тозаланганда тозалаш самарадорлиги 16,0% га ошганлиги, олинган тола таркибидаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар миқдори 10,4% камайганлиги аниқланди;

қуритиш барабани узатиш тизимининг ресурстежамкор технологияси Бухоро вилоятидаги «Шофиркон пахта тозалаш» АЖ да ишлаб чиқаришга жорий этилган («Бухоро Агрокластер» МЧЖ нинг 2021 йил 17 июлдаги 03-989-сонли маълумотномаси). Натижада пахта хомашёсини III ва IV навларини қайта ишлашда янги таъминлагич-аралаштиргични қўллаш ҳисобига оптимал 110<sup>0</sup>С ҳароратда юқори намликни олиш имконини берди. Бунда мавжуд қуритиш барабанига сарфланаётган табиий газ миқдори меъёрга нисбатан 15,0% га, электр энергия сарфи 15,0% га камайишига эришилди;

қуритиш барабанининг узатиш тизимини ресурстежамкор технологияси Бухоро вилоятидаги «Бухоро Зарҳал текс» МЧЖ да ишлаб чиқаришга жорий этилган. Натижада қуритиш барабани учун пахта хомашёсини иссиқ ҳаво билан дастлаб аралаштириш натижасида толанинг сифат кўрсаткичларини яхшиловчи ва ёқилғидан самарали фойдаланиш имкониятини берувчи титиш ва аралаштириш ишчи аъзосидан иборат таъминлаш қурилмасини ишлаб чиқаришга қўллаш натижасида иқтисодий самарадорликка эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари бўйича 9 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола нашр этилган, жумладан 2 таси Республика ва 9 таси хорижий журналларда чоп этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлигининг 1 та фойдали модел (FAP 01544) ва 1 та ихтирога (IAP 06422) патент олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятлилиги очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Қуритиш ускуналарини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили, пахта саноати корхоналарида мавжуд муаммолар ҳолати ва тадқиқот вазифалари»** деб номланган биринчи бобда йўналиш бўйича адабиётлар шарҳида, пахта хомашёсини қуритиш барабанлари таъминлаш қурилмасини танлашда пахта хомашёси навларининг физик-механик ва технологик хусусиятлари етарли даражада инобатга олиниб, тола таркибидаги нуқсонлар унинг асосий сифат кўрсаткичларидан бири сифатида унинг баҳосини белгилаш ва тола таркибидаги нуқсонларнинг камайишига таъсир кўрсатадиган омилларни чуқур тадқиқ этиш кераклиги аниқланган. Қуритиш барабанини пахта билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш натижасида янги конструкциядаги винтли таъминлагич-аралаштиргич конструкциясини яратиш, асосий ишчи ва технологик параметларини асослаш вазифаларни ечиш бўйича илмий назарий изланиш ўтказилиши режалаштирилган.

Диссертациянинг **«Пахта хомашёсини қуритиш, тозалаш ва жинлаш жараёнида ҳарорат, намлик ва зичликнинг таъсирини назарий ва экспериментал ўрганиш»** деб номланган иккинчи боби пахта хомашёсини қуритиш жараёнида ҳарорат, намлик ва зичликнинг таъсирини назарий ва экспериментал тадқиқотларига боғишланган.

Қуритиш агентининг нисбий тезлиги ва пахта хомашёси зичлигининг маълум бир ҳароратда намликни йўқотиш ва десорбция (қуритиш) тезлигига таъсирини НВИ тизимидан фойдаланган ҳолда тадқиқотлар амалга оширилган. Тажрибаларни ўтказиш учун турли навлардан намуналар танлаб олинди. Ҳавонинг ҳароратини бошқариш учун намуна устида жойлаштирилган  $\pm 0,2$  °C аниқликдаги ўлчайдиган SIM-12 Н ҳарорат сезгичлардан фойдаланилган. Ўтказилган тадқиқотлар асосида иссиқ ҳавонинг нисбий тезлигини намлик ажралиши миқдорига таъсир ифодаловчи боғлиқликлар олинди. Таҳлиллар айниқса зичликнинг юқори кўрсаткичларида иссиқ ҳаво ҳарорати пахта хомашёсидан намлик ажралиши жараёнига ҳамма вақт самарали таъсир кўрсатмаслиги аниқланди.

Олинган боғлиқликлар таҳлилидан; дастлаб намлик ажралиш жараёни тезлиги доимий бўлиб, тўғри чизиқ шаклида, сўнгра эса эгри чизиққа ўтишини кузатиш мумкин, яъни қуритиш жараёнининг бошида диффузия ҳодисаси пахта хомашёсининг юза қатламларида кечади, демак қуритиш агентининг тезлигига унча боғлиқ эмас ва доимий қийматдир (1-расм).


Биринчи критик нукта А да доимий тезлик даврининг тугаши ва 75 секунддан кейин намлик 12,8% гача пасайишни кузатиш мумкин. Бинобарин, намлик ажралиш даврида ташқи ва ички диффузия зонасини кўрсатадиган сингуляр (ягона ёки махсус) В иккинчи нукта борлигини графикдан кўриш мумкин.

Иссиқ ҳаво ҳарорати ва намликни тола ва чигитнинг сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш мақсадида регрессия тенгламалари олинган.

$$Y_1 = 2.01 + 0.65x_1 + 0.09x_1x_2 + 0.29x_2$$

$$Y_2 = 7.23 + 0.23x_1 + 0.15x_2 + 0.002x_1x_2$$


$$Y_3 = 28.96 + 0.45x_1 + 0.76x_2 - 1.03x_1x_2$$




1-расм. Пахта хомашёсида намлик миқдори ўзгаришининг иссиқ ҳаво тезлигига боғлиқлик графиги.

$$W = 14\%, \quad 1 - V = 0,2 \text{ м/с}, \quad 2 - V = 0,4 \text{ м/с}, \quad 3 - V = 0,6 \text{ м/с}, \quad \rho = 0,5 \text{ г/см}^3,$$


Олинган натижалардан, пахта хомашёсини 110<sup>0</sup>С дан юқори ҳароратда қуритиш толанинг узунлигини қисқартириши ва чиқиндилар ҳамда калта толалар миқдорини кўпайишига олиб келиши аниқланди. Бу ўз навбатида тола таркибидаги намлик миқдорининг камайиши натижасида юзага келиши билан боғлиқлиги асослаб берилган (2,3,4-расмлар).



2-расм. Нуқсонлар ва ифлос аралашмалар миқдорининг қуритиш агентига боғлиқлик графиги



3-расм. Чигит тукдорлиғининг ҳароратга боғлиқлик графиги




4-расм. Тола узунлиғининг ҳароратга боғлиқлик графиги  
1-W=12%, 2-W=14%, 3-W=16%

Диссертациянинг «Винтли таъминлагичда пахта хомашёсини ҳаракатини тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобида винтли таъминлагичда пахта бўлагини ҳаракати, математик модели, пахта хомашёсини винт сирти бўйлаб ҳаракати ва турли массалардаги пахта бўлақларини винт сирти бўйлаб ҳаракат тезлигини ўзгариш қонуниятларини аниқлаш бўйича назарий тадқиқотларининг натижалари келтирилган.


Пахта хомашёсини винт бўйлаб ҳаракатланиш қонуниятига таъминлагич параметрларини таъсирини ўрганиш жуда муҳим ҳисобланади.

Таклиф қилинган винтли таъминлагичда пахта хомашёси ўртадан тушади, натижада винт икки қарама-қарши томонга пахта бўлақларини силжитади (5-расм). Шунингдек иссиқ ҳаво оқими таъсирида пахта хомашёси қисман қуриydi ва уларни винт йўналишидаги ҳаракати тезлашади.



5-расм. Винтли таъминлагич схемаси.

Шунинг учун пахта хомашёсини винт сирти бўйлаб ҳаракати қонуниятларини аниқлаш мақсадида унинг ҳисоб схемаси тузилган (6-расм). Таъкидлаш лозимки бунда пахта хомашёсининг винт бўйича ҳаракати маълум бўлган методикага асосан кўриб чиқилган.



6-расм. Ҳисоб схемаси.

Пахта хомашёсини мувозанат шартига асосан, Даламбер принципига кўра барча кучлар ва инерция кучларини инобатга олиб, уларни йиғиндиси нолга тенг бўлишини ёзиб оламиз.

$$\begin{aligned} \bar{G} + \bar{F}_u + \bar{F}_{\text{ишқ}} + \bar{F}_\delta + \bar{F}_T + \bar{F}_x + \bar{N} + \bar{F}_{\text{МК}} &= 0 \\ \sum_{i=1}^n \bar{F}_i &= 0; \quad \sum_{i=1}^n \bar{F}_i(x) = 0; \quad \sum_{i=1}^n F_i(y) = 0; \end{aligned}$$

Демак, пахта хомашёсининг ҳаракатини аниқлаш учун барча кучларни координата ўқларига нисбатан проекцияларини аниқлаймиз. Бунда пахта хомашёси текисликдаги ҳаракати қўрилгани учун учинчи ўқ бўйлаб деярли ҳаракати бўлмайди деб ҳисоблаймиз. Натижада қуйидаги ифодаларни оламиз.

$$G_x = -G \cdot \sin\beta; \quad G_y = -G \cdot \cos\beta; \quad P_x^x = P_x \cdot \cos\alpha;$$

$$P_x^y = -P_x \cdot \sin\alpha; P_T^x = P_T \cdot \cos\alpha; P_T^y = P_T \cdot \sin\alpha;$$

$$F_{\text{ишк}} = f \cdot N; F_{\delta}^x = -(F_{\delta} \pm \delta F_{\delta}) \cdot \sin j;$$

$$F_{\delta}^y = (F_{\delta} \pm \delta F_{\delta}) \cdot \cos j; F_{\text{МК}}^x = F_{\text{МК}} \cdot \sin\theta; F_{\text{МК}}^y = F_{\text{МК}} \cdot \cos\theta;$$


Юқоридаги ифодага асосан қуйидаги ифодалар ҳосил қилинди:

$$m \frac{d^2x}{dt^2} = -mg \sin\beta + (P_1 + P_0 \sin\omega t) \cos\alpha + K\omega^2(R - h_0)^2 \cos\alpha - \\ -K_{\delta}(F_{\delta} \pm \delta F_{\delta}) \sin j + m\omega^2(R - h_0) \sin\theta - fN;$$


$$m \frac{d^2y}{dt^2} = N + m\omega^2(R - h_0) \cos\theta - mg \cos\beta - (P_1 + P_0 \sin\omega t) \sin\alpha - \\ -K\omega^2(R - h_0)^3 \sin\alpha + K_{\delta}(F_{\delta} \pm \delta F_{\delta}) \cos j + m\dot{x}\omega \cos\xi;$$

бу ерда,  $m$ -пахта хомашёси массаси;  $g$ -эркин тушиш тезланиши;  $\beta$ -винт қиялик бурчаги;  $\omega$ -винт бурчак тезлиги;  $R$ -винт ташқи айланалар радиуси;  $h_0$ -пахта хомашёсини ташқи айланадан жойлашган масофаси;  $P_1, P_0$ -тортувчи кучнинг ўртача қиймати ва ўзгариш амплитудаси;  $\alpha$ -тортиш кучини қиялик бурчаги;  $K$ -ҳаво оқимини таъсир кучи коэффиценти;  $\theta$ -марказдан қочма куч векторини у ўқи билан ҳосил қилган бурчаги;  $f$ -пахта хомашёсини винт парраги билан ишқаланиш коэффиценти;  $K_{\delta}$ -пахта бўлакларига боғланиш кучи коэффиценти;  $F_{\delta}$ -боғланиш кучини бошланғич қиймати;  $j$ -боғланиш кучини у ўқи билан ҳосил қилган бурчаги;  $\xi$ -кориолис кучини оғиш бурчаги;  $t$ -вақт;  $\delta F_{\delta}$ -пахта бўлаклари билан боғланиш кучининг тасодифий ташкил этувчиси.

7-расмда уч хил массадаги пахта бўлаклари ҳаракат тезликларини ўзгариш қонуниятларини вақт бўйича винт бурчак тезлиги  $36,63 \text{ с}^{-1}$  ва  $47,1 \text{ с}^{-1}$  бўлган вариантлари учун келтирилган.



бу ерда:  $\omega = 36,63 \text{ с}^{-1}$



бу ерда:  $\omega = 47,1 \text{ с}^{-1}$

**7-расм. Пахта хомашёсини винт сирти бўйлаб ҳаракатини унинг айланиш бурчак тезлигига боғлиқлиги**


$$1 - m = 0,22 \cdot 10^{-3} \text{ кг}; 2 - m = 0,45 \cdot 10^{-3} \text{ кг}; 3 - m = 0,90 \cdot 10^{-3} \text{ кг};$$

Мос равишда винт бурчак тезлиги  $47,1 \text{ с}^{-1}$  бўлганда пахта бўлаги тебраниш частотаси ҳам шу қийматда бўлади (7-расм,б). Лекин пахта

хомашёси ҳаракат тезлигини ўзгариш амплитудаси унинг массасига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Айланиш частотаси  $36,63\text{c}^{-1}$  бўлганда пахта хомашёси массаси  $0,22 \cdot 10^{-3}$  кг лигида ўртача тезлиги  $0,48$  м/с ва уни тебраниш амплитудаси  $(0,15 \div 0,2)$  м/с оралиғида ўзгаради. Агарда пахта бўлагининг массаси  $0,45 \cdot 10^{-3}$  кг гача ортганида  $\dot{x}$ нинг ўртача қиймати  $0,405$  м/с ва уни тебраниш амплитудаси  $(0,08 \div 0,11)$  м/с гача камаяди. Пахта бўлагининг массаси  $0,90 \cdot 10^{-3}$  кг гача ортса мос равишда ўртача тезлик қиймати  $0,31$  м/с гача,  $A_x$  эса  $(0,05 \div 0,06)$  м/с гача камаяди. Демак, пахтани винт сиртидан тезроқ чиқиб кетиши пахта бўлақларини титилиш даражасига, яъни массасига боғлиқ бўлар экан.

Олинган ҳаракат қонуниятларини қайта ишлаш натижасида боғланиш графиклари қурилди. 8-расмда пахта хомашёсини винт сиртида ҳаракатланишидаги ўртача тезлиги ва уни қамровини винт бурчак тезлигига боғлиқлик графиклари келтирилган.

Графиклар таҳлили шуни кўрсатдики, винтнинг бурчак тезлиги  $0,23 \cdot 10^2$  дан  $0,51 \cdot 10^2$  м/с гача ошганида  $0,22 \cdot 10^{-3}$  кг ли массага эга бўлган пахта хомашёси ўртача тезлиги  $0,39$  м/с дан  $0,62$  м/с гача ночизикли қонуниятда ортиб боради, мос равишда пахта бўлаги  $0,45 \cdot 10^{-3}$  кг ли бўлганда ўртача тезлиги  $0,265$  м/с дан  $0,526$  м/с гача ортишини кўриш мумкин.




бу ерда: 1,2 –  $\dot{x}_{\text{ўр}} = f(\omega)$ ; 3,4 –  $\Delta\dot{x} = f(\omega)$   
 1,3 –  $m = 0,22 \cdot 10^{-3}$  кг; 2,4 –  $m = 0,45 \cdot 10^{-3}$  кг;

**8-Расм. Пахта хомашёсини винт сиртида ҳаракатланишидаги ўртача тезлиги ва уни қамровини винт бурчак тезлигига боғлиқлик графиклари**


Бунинг сабаби, пахта хомашёси массаси ортганида уни етарли тезликда силжитиш учун каттароқ куч керак бўлади. Шунингдек, пахта хомашёси массаси  $0,22 \cdot 10^{-3}$  кг бўлганда  $\Delta\dot{x}$  қиймати  $2,1 \cdot 10^{-4}$  м/с дан  $3,21 \cdot 10^{-4}$  м/с гача ночизикли қонуниятга ортиб борса, масса  $0,45 \cdot 10^{-3}$  кг бўлганда мос равишда  $\Delta\dot{x}$  қийматлари  $0,85 \cdot 10^{-4}$  м/с дан  $2,36 \cdot 10^{-4}$  м/с гача ортиб боради.

9-расмда турли массалардаги пахта бўлақларини винт сирти бўйлаб ҳаракат тезлигини ўзгариш қонуниятлари келтирилган. Бу ерда пахта бўлақлари ҳаракатини турли массаларда ва винт сирти билан ишқаланиш коэффициентини ўзгаришини инобатга олинган. Жумладан, пахта бўлагининг массаси  $9,0 \cdot 10^{-2}$  кг бўлганида ва винт парраги сирти билан

ишқаланиш коэффициентини 0,25 олинганда пахта бўлагининг ўртача тезлиги  $2,9 \cdot 10^{-1}$  м/с оралиғида ўзгарса, унинг тебраниш амплитудаси бор йўғи (0,03 – 0,06) м/с гача ўзгаради холос.



бу ерда:  $f = 0,25$ ;



Бу ерда:  $f = 0,45$


**9-расм. Турли массалардаги пахта бўлақларини винт сирти бўйлаб ҳаракат тезлигини ўзгариш қонуниятлари**

1 –  $m = 0,22 \cdot 10^{-3}$  кг; 2 –  $m = 4,5 \cdot 10^{-2}$  кг; 3 –  $m = 9,0 \cdot 10^{-2}$  кг;  $\omega = 47,1 \text{ c}^{-1}$

Лекин пахта бўлагининг массаси  $0,22 \cdot 10^{-3}$  кг ва  $f=0,25$  бўлганда тезликни тебраниш амплитудаси (0,23 ÷ 0,28) м/с гача ортиб боради.

Олинган ҳаракат қонуниятларини қайта ишлаш асосида параметрларни ўзаро боғлиқлик графиклари қурилди. 10-расмда пахта хомашёсини винт сирти бўйлаб ҳаракатидаги силжиши, тезлиги ва тезланиши тебранишлари қамровларини пахтани винт сирти билан ишқаланиш коэффициентига боғлиқлик графиклари келтирилган.

Бунда пахта бўлаги тезланишини ўзгариши винтли сирт билан импульсив таъсирини кўрсатса, пахта бўлақларини ўзаро таъсирини, яъни титилишларини таъминлайди.



бу ерда: 1 –  $\Delta X = f(f)$ ; 2 –  $\Delta \dot{X} = f(f)$ ; 3 –  $\Delta \ddot{X} = f(f)$ ;  $K_{\delta} = 0,9$ ;  $K = 2,5$  кг;  
 $v_x = 0,4$  м/с;  $m = 0,22 \cdot 10^{-3}$  кг;

**10-расм. Пахта хомашёсини винт сирти бўйлаб ҳаракатидаги силжиши, тезлиги ва тезланиши тебранишлари қамровларини пахтани винт сирти билан ишқаланиш коэффициентига боғлиқлик графиклари**



Лекин пахта намлиги юқори бўлса, винт қадами камроқ бўлиши мақсадга мувофиқдир. Олиб борилган назарий тадқиқотлар асосида пахта бўлакларини винт сирти бўйлаб керакли тезлик ва тебранишда транспортировка қилиниши учун параметрларининг қўйидаги қийматлари тавсия этилади:

$$t = (0,08 \div 0,01) \cdot 10^3 \text{ м}; R = (12,5 \div 14,0) \cdot 10^{-2} \text{ м}$$
$$n = (350 \div 370) \text{ айл/мин}$$

Диссертациянинг «Қуритиш барабани иссиқлик-узатиш тармоғини асосий параметрларини асослаш ва ишлаб чиқариш синов натижаларини олиш» деб номланган тўртинчи бобида пахта хомашёсининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш учун таққословчи тажрибавий тадқиқотлар ўтказиш орқали Бухоро вилоятида мавжуд пахта тозалаш корхоналарида олиб борган назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида қуритиш барабанининг таъминлаш тизимида бирқатор камчиликлар мавжудлиги ва уларни бартараф қилиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари келтирилган.

Пахта хомашёсининг намуналари қуритишдан олдин ва кейин олиниб, намлиги ва ифлосланиш даражаси аниқланди. Иссиқлик оқимининг ҳарорати қуритиш барабанига кириш ва чиқиш вақтларида доимий ўлчаниб борилди. Диссертация ишини бажариш жараёнида ва олиб борилган тадқиқот ишларининг натижасига, ҳамда ўтказилган амалий аналитик ва экспериментал тадқиқотларга асосланган ҳолда мавжуд қуритиш барабани таъминлагичи ўрнига янги конструкциядаги винтли аралаштиргич-таъминлагичнинг тажрибавий экспериментал намунаси яратилди (11-расм).



11-расм. Винтли таъминлагич-аралаштиргич

Шуни таъкидлаш лозимки, таклиф этилаётган конструкция каналда ҳаракаланаётган иссиқ ҳаво оқимидан самарали равишда фойдаланиш, тушаётган пахта хомашёсини титлиши билан бирга уни иссиқ ҳаво билан

аралашмасини ҳосил қилади ва барабаннинг бошланғич қисмида қуритиш жараёнини жадалаштириш имкониятини беради.

Пахта хомашёсининг намлиги ҳамда унинг таркибидаги ифлосликлар миқдори O'z DSt 644-2006 ва O'z DSt 662-2011 Ўзбекистон республикаси Давлат стандартлари асосида аниқланди. Олинган натижалар 1 ва 2-жадвалларда келтирилган.

**1-жадвал.**

**Мавжуд вариантдаги тарновли қуритиш барабани**

Кўрсаткичлар	Тарновли қуритиш барабани								Ўртача қиймат
	Тажрибалар сони								
	1	2	3	4	5	6	7	8	
Пахта хомашёсининг намлиги, %	11,2	11,6	11,07	11,8	11,1	11,6	11,4	11,36	11,39
Қуритиш барабанидан кейинги намлик	9,1	9,02	9,36	9,56	9,73	9,04	9,25	9,36	9,29
Иссиқ ҳаво ҳарорати, °C	130								

**2-жадвал.**

**Винтли таъминлагич-аралаштиргич ўрнатилган қуритиш барабани**

Кўрсаткичлар	Винтли таъминлагич-аралаштиргич ўрнатилган барабан								Ўртача қиймат
	Тажрибалар сони								
	1	2	3	4	5	6	7	8	
Пахта хомашёсининг намлиги, %	11,05	11,4	11,75	11,3	11,45	11,57	11,02	11,03	11,32
Қуритиш барабанидан кейинги намлик	8,9	8,02	7,9	8,16	8,07	8,95	8,3	8,01	8,28
Иссиқ ҳаво ҳарорати, °C	110								

Ишлаб чиқариш шароитида олинган тажриба синовлари натижалари таъминлагич-аралаштиргич ўрнатилган қуритиш барабанларида ёқилғи сарфини 15,0 % гача тежаш имкониятини бериши аниқланди.

Пахта хомашёсининг ифлосланиш даражасини аниқлаш бўйича базавий ва таклиф этилаётган вариантлардаги натижалари 1 ва 2-жадвалларда келтирилган. Олинган натижалар таҳлили танланган намуналар бўйича ўтказилган синовлар таъминлагич-аралаштиргич таъминлаш қурилмасидан фойдаланиш орқали толадаги нуқсонлар миқдорини 10,4 % гача камайтиришга, тозалаш самарадорлигини 16,0 % гача оширишга имконият беришини кўрсатади.

Тажриба-синов ишларининг хулосаси бўйича пахтани қуритишга сарфланаётган табиий газ миқдори меъёрга нисбатан 15,0% га, пахтани қуритиш жараёнининг яхшиланиши ҳамда пахтанинг титилиши ҳисобига

жинлаш жараёнининг нисбатан енгилроқ кечиши, яъни электрэнергиянинг кучланиши сезиларли даражада пасайиши боис электр энергия сарфи 15,0% га қисқариши кузатилди.

Пахта хомашёсидан ишлаб чиқарилаётган толанинг сифат кўрсаткичлари 0,3% (абс.) га яхшиланиши тажрибалар орқали аниқланди. Шунингдек, ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларга келинди.

## ХУЛОСА

Қуриштиш барабанининг узатиш тармоғини ресурстежамкор технологиясини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаси асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Пахтага қайта ишлов бериш соҳасининг ҳозирги замонавий ривожланиш босқичида, мавжуд барабанли қуриштиш ва таъминлаш тармоғи ишлаб чиқаришнинг ҳозирги талабларига тўла жавоб бермаслиги ва технологик, конструктив жиҳатидан, жараён самарадорлигини оширишнинг ҳали очилмаган имкониятлари мавжудлиги аниқланди.

2. Ҳарорат, намлик ва зичликнинг тозалаш ҳамда жинлаш жараёнига таъсирини ўрганиш мақсадида назарий ва экспериментал тадқиқотлар ўтказилди ва таҳлилий натижалар олинди.

3. Пахта хомашёсини таъминлагич-аралаштиргич қурилмасини янги конструкцияси ишлаб чиқилди ва таклиф этилган схемадаги таъминлагич-аралаштиргич қурилмасида назарий ва экспериментал тадқиқотлар ўтказилди ва ушбу конструкциянинг ишчи параметрлари асослаб берилди.

4. Иссиқ ҳаво тезлигининг турли қийматларида пахта хомашёси намлигини ўзгариши қонуниятлари олинди ва қуриштиш агентининг нисбий тезлиги 0,2 дан 0,6 м/с гача ўзгариши, қуриштиш агентининг ҳар хил ҳароратида намлик ажралиши тезлигига сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланди.

5. Винтли сиртдан пахта бўлақларини етарли тезликда ҳаракатланишини таъминлаш, ҳамда титилишини янада жадаллаштириш учун винт бурчак тезлиги  $(38 \div 43) \text{с}^{-1}$  оралиғида бўлиши тавсия этилади.

6. Пахта хомашёсини винт сиртида ҳаракатланиши ўртача тезлиги ва унинг тебраниш қамровини иссиқ ҳаво оқими тезлигига боғлиқлик графиклари олинди. Пахта бўлақлари ҳаракат тезликларини ва уларни тебраниш амплитудаларини юқори бўлишини таъминлаш учун иссиқ ҳаво оқими тезлиги  $(0,5 \div 0,7) \text{ м/с}$  оралиғида ва ҳаво оқимини таъсир кучи коэффициентини  $K \geq 4,0$  бўлиши тавсия этилади.

7. Винт қадами  $12,0 \cdot 10^{-2} \text{ м}$  гача ошганда пахта хомашёсининг ҳаракат тезлиги қамровини камайишига сезиларли таъсир қилиши аниқланди ва пахта бўлақларини винт бўйлаб керакли тезлик ва тебранишида транспортировка қилиш учун параметрларининг қуйидаги қийматлари тавсия этилади:

$$t = (0,08 \div 0,01) \cdot 10^3 \text{ м}; \quad R = (12,5 \div 14,0) \cdot 10^{-2} \text{ м}, \\ n = (350 \div 370) \text{ айл/мин.}$$

8. Тадқиқотлар асосида ҳозирда мавжуд таъминлагичлар билан жиҳозланган ва таклиф этилган титиш ва аралаштиргич ишчи аъзосига эга бўлган таъминлагич ўрнатилган қуритиш барабанларида қуритилган пахта хомашёси таркибидаги йирик ва майда ифлосликлар, олинган тола таркибидаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар миқдори аниқланди. Титиш ва аралаштиргич ишчи аъзосига эга бўлган таъминлагич ўрнатилган қуритиш барабанида қуритилган пахта хомашёси тозаланганда тозалаш самарадорлиги 16,0% га ошганлиги, олинган тола таркибидаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар миқдори 10,4% га камайганлиги аниқланди.

9. Қуритиш барабанининг узатиш тизимига ресурстежамкор технологияни жорий этиш орқали пахтани қуритишга сарфланаётган табиий газ миқдорини 15,0% га, электр энергия сарфини 15,0% га тежашга эришилди. Пахта хомашёсидан ишлаб чиқарилаётган толанинг сифат кўрсаткичлари 0,3% (абс.) га яхшиланди.

10. Тавсия қилинган винтли таъминлагич-аралаштиргич ўрнатилган қуритиш барабанини ишлаб чиқаришга қўллаш натижасида пахта тозалаш корхонаси бўйича 618,8 млн. сўм йиллик иқтисодий самара олишга эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/29.10.2021.Т.101.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ФАЙЗИЕВ СИРОЖИДДИН ХАЁТ УГЛИ**

**РАЗРАБОТКА РЕСУРСОСБЕРЕГАЮЩЕЙ ТЕХНОЛОГИИ  
СИСТЕМЫ ПОДАЧИ ХЛОПКА-СЫРЦА ДЛЯ СУШИЛЬНОГО  
БАРАБАНА**

**05.06.02- Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ ПО ТЕХНИЧЕСКИМ  
НАУКАМ (PhD)**

**Бухара – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.2.PhD/T1182.

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице института ([www.bmti\\_info@edu.uz](mailto:bmti_info@edu.uz)) и Портале Информационно-образовательной сети «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** Рахмонов Хайридин Кодирович  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Жуманиязов Кадам Жуманиязович  
доктор технических наук, профессор

Рахмонов Иномжон Мухторович  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:** Наманганский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится «29» декабря 2021 года в 11<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета по присуждению учёных степеней PhD.03/29.10.2021.T.101.03 при Бухарском инженерно-технологическом институте (Адрес: 200100, г. Бухара, ул. К.Муртазаева, дом-15. Тел.: (+99865) 223-78-84, факс: (+99865) 223-78-84, e-mail: [bmti\\_info@edu.uz](mailto:bmti_info@edu.uz). Бухарский инженерно-технологический институт 1-корпус, 2-этаж, конфер. зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского инженерно-технологического института (зарегистрировано за № 345). (Адрес: 200100, г. Бухара, ул. К.Муртазаева, дом-15. Тел.: (+99865) 223-78-84, факс: (+99865) 223-78-84, e-mail: [bmti\\_info@edu.uz](mailto:bmti_info@edu.uz))

Автореферат диссертации разослан «15» декабря 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № 1 от «15» декабря 2021 года).



**Н.Р.Баракаев**  
Председатель научного совета по присуждению  
учёной степени, д.т.н., профессор

**Р.Х.Нурбоев**  
Учредитель секретарь научного совета  
по присуждению учёной степени, к. т. н., доцент

**М.З.Шарипов**  
Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению учёной степени, д. ф-м.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой практике лидирующие позиции занимает применение новых техники и технологий сушки хлопка-сырца, положительно влияющих на качество продукции, производимой при первичной переработке хлопка. По сведениям мировой статистики и «Международного консультативного комитета по хлопку (ICAC), в мировом рынке в результате сокращения площади посева хлопка на 2% спрос на их продукции увеличиваются до 33,4 млн. тонн»<sup>1</sup>. В развитых странах, в том числе США, Китае, Бразилии, Австралии и Индии особое внимание уделяется разработке и усовершенствованию высокоэффективных хлопкоперерабатывающих машин. На сегодняшний день динамичное и устойчивое развитие хлопкоочистительной промышленности, внедрение на предприятиях отрасли современного оборудования, повышение эффективности и рационального использования производственных мощностей, производство и усовершенствование высокоэффективных технологических машин отрасли, а также ресурсосберегающих технологий является одним из актуальных задач.

В мировом масштабе обеспечение равномерной скорости сушки хлопка-сырца и его компонентов при нестационарной процессом тепломассообмена с учетом изменения законов теплофизическими показателями требует внедрения новых техники и технологии обеспечивающий выпуска продукции с хорошими качественными показателями. Особое внимание уделяется разработке энергосберегающих технологий, сохраняющих природные свойства хлопка-сырца, а также обоснованию его технологических параметров и режимов работы в период первичной очистки и джигинирования хлопка-сырца.

В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы ставятся такие задачи, как «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, снижение энергозатрат и ресурсов в экономике, повсеместное внедрение энергосберегающих технологий в производство»<sup>1</sup> и определены важные задачи по их реализации.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», постановления ПҚ-4633 от 6 марта 2020 года «О мерах по широкому внедрению рыночных принципов в сфере хлопководства», постановления

---

<sup>1</sup> Cotton: World Statistics. <http://www.icac.org>; <http://www.statica.com>.

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по организации деятельности корпоративно в по выращиванию и переработке хлопка-сырца», а также других нормативно-правовых актов, относящихся к данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энерго-ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** Для изучения данной проблемы занимались ученые такие как, Г.И.Мирошниченко, Б.И. Роганов, Г.И.Болдинский, Р.В.Корабельников, Ю.С.Сосновский, Г.В.Банников, Н.М.Михайлов, А.И.Улдяков, Г.Л.Гамбург, А.В.Корсукова, П.Н.Бородин, Т.Д.Калдыбаеви другие занимались усовершенствованием системы подачи хлопка-сырца в сушильных барабанах.

Ряд зарубежных ученых R.V.Baker, R.M.Sutton, S.E.Hughs, J.W.Laird, P.A.Voving, V.M.Norman и другие провели исследования по совершенствованию техники и технологии сушки и очистки хлопка от сорных примесей, а также повышению производительности основных рабочих частей и оптимизации режимов работы.

Надо отметить, многими учеными нашей страны: С.Д.Болтабаев, Г.Д.Джаббаров, Р.З.Бурнашев, И.К.Хафизов, А.П. Парпиев, А.Маматов, А.Расулов, А.Е.Лугачев, А.Джураев, М.Гаппарова, А.Усмонкулов, Х.К.Рахмонов, Р.М.Муродов, Х.Т.Ахмедходжаев, М.Т.Ҳожиев, С.Саидов, М.Р.Рахманов, М.Содиқов, М.Ахматов и другими проводились исследования по совершенствованию конструкции системы питания сушильных барабанов и обоснованию основных рабочих параметров машин.

Однако, исследования устройства питателя сушильного барабана не проводились. Существующая конструкция использовалась только в качестве питателя.

